

Сўз санъатининг ҳар бир катта-кичик намунаси унда жозиба кунунлари, талабларининг кай даражада уддаланганлиги ва адо этилганлиги билан баҳоланади. Комил асарга тўғри интилиш — адибликнинг ҳаёт-мамот бурчи... Баркамол ижод — доимо орзулар ичра энг безовта, энг олий орзу. Шу сермашаккат йўлда бир яккол талаб — асар сюжети ибтидосидан бошлаб кизиктириш ҳамда таъсирлантиришнинг кучланиб бориши ва ниҳоят тақдим этиладиган ошкор ёхуд ноошкор интихолардир. Чинакамига дардлашадиган, ёди-тимсоли мудом содик хамроҳдай бадиий қахрамонларни, ибратли бадиий далилларни излаб топишга, танишишга эҳтиёжмандлик инсон табиатининг гўзал туйғуларидан. Бундай маънавий эҳтиёжни қондирмок учун ўткир ижтимоий муаммоларни тасвирламокнинг, силлик ифода яратмокнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ўқувчига асарни ўта макбул қилиш муддаоси қаршисида баъзан мавзу-муаммонинг салмоғи ҳам, ифода манерасининг тушунарлилиги ҳам иш бермай қолиши мумкин. Хунар сирларининг ва қоидаларининг барча шартлари мохирона ижро этилсагина мукамал жозиба, ёғду таратади.

Эркин Аъзамов хикоялари кўп фазилатлар билан йўғрилган. Дарвоқе, уларнинг ҳар бири олижаноб ҳислатлар, кечинмаларни тараннум этади. Ранг-баранг тақдирларни ишончли ва марокли таништиради.

Ҳажман кичик бир хикоя улугвор номланган: «Ватанпарвар». Ўқиб, ажабланмай қоламиз, аксинча, кизгин ишонч ҳосил бўлади. Унинг қахрамони Нажим патриот она- масканини кўз-кўз қилиб юради. Мехмонларни хайратга солиб, мезбонларни гурурлантиради. «Богболонинг азим терақларию чинорлари, паррандаларию даррандалари, кучукларидан тортиб мушукларига қадар таъриф этади». Унингча, бу жой энг қадимий, энг кўркем, одамлари энг танти, энг лафзи ҳалол.

Хўш, бу қандай қилик, қайфият? Қизганишми, мактанчокликми? Шўхликми, маҳаллий маҳдудликми? Устунлик даъвосими? — Булар асло эсга келмайдиган сўроқлар. Негаки тугилган гўша муҳаббати замиридаги миллий ифтихор туйғуси мустаҳкам ва умуминсоний бўлади. Ватан туйғуси билан ватанпарварликнинг ягона бардошли пойдевори — шу. Нажим патриот «шахсий полвоним» деб атайдиган, маҳит устунини даст кўтариб танилган, сўнг кўтара олмай изза бўлган (айтишларича, устунни пинҳона яна кўтариб жойига қўйган) навқирон Будир полвоннинг гурури, тажанглиги тасвири гоёни янада самимият билан тўлдиради.

Рамазоннинг ноёб миллий қиёфаси меҳрингизга тартади («Анойининг жайдари олмаси»). Бойсунини яхши кўради. Ҳарбий хизмати ўтган Барнаулни кўп соғинади. Ўша томонларга тез-тез кетиб қолгиси келади. Ҳаётда омади келмай юрган (ўқишга қиролмаган, кўпболали одамга ачиниб, чайқовчилик бўйича ўзининг қамалишига ўзи йўл қўйган, қўнглига ёқмаган қизга уйланган) йигит қадрдон бўлиб қолади. Хикояловчи дўстига — муаллифга қўшилиб Рамазонни жуда тушунган, сира тушунмаган бўлаверасиз. Эслаб суюнасиз, изтироб чекасиз. Анойи йигитни ўз жайдари олмасига ўхшатасиз: қўримсизу беҳад ширин олма.

«Музкаймок»да езувчининг «мен»и тоглик шахарпараст болакайга айланади. Уни шахарга чорлаган, унга шахарни севдирган илк нарса-ана шу ширинлик. Бирок у сўнги бор музкаймок еганини эсдан чикармайди. Охирги марта. Кейин емаган. Тиши, тамоги оғришидан кўркиб эмас, шайдолик ёшидан ўтгани учун эмас. Музкаймок унинг учун бир воқеа хотиротидир. Ўшанда мургак, тотли тасавури кабиҳ тўсикка дуч келган ва ёш кўнглини ўзгартириб юборган. Отаси ҳамда толай хамкишлоклари чўлда ишлагани кетади. Ширинликни орзулаб булар изидан келган болага тўйиб-тўйиб еган музкаймоги кимматга тушади. Уни шахарга олиб бориб, «маишати»га шерик қилган Менглибой, отаси бошчилигидаги бўлим кассири халқнинг пулини ўмариб кочади. Барча оғирликни отаси кўтаради. Бунда Э.Аъзамов одамлар маънавияти, турмушидаги ўсишу йўқотишларни болалик идроки орқали кизикарли нақл қилади.

Доимо энқайиб, кўзини ердан узмай гаплашадиган, гўёки «бу хаводан бахраманд бўлишга ҳақким борми дегандек...» кўркиб нафас оладиган, бола холида катталар дунёсида яшаётган Кўкал ажиб меҳрга муносиб қахрамон. «Богболалик Кўкалдош» хикояси инсон рухий кечинмаларини синчков бадиий тадқиқ қилиш маҳорати намунасидир. Кўкал гўл, кўпол, бўшанг, аммо меҳнаткаш киёфада кўз олдимишга келади. Ундаги ночорлик, жафокашлик, хижолатпазлик кайфияти энг қадрли фазилатини яшириб туради. Отасизлик захматларини ичга ютиб ўсади Кўкал. Дониёровнинг тобути кўтарилганда «отам»лаб юборади. Элга маърака беради.

Ёзувчининг талай асарлари илҳом билан ёзилган. Шунчакиси, зўракиси йўқ. Барчасида дард ва Эркин Аъзамовнинг ўз сўзи бор. Лекин «Бир дақиқа кўзингни юм», «Жиян» хикояларининг дардчиллик, янгилик даражаси «Ватанпарвар», «Анойининг жайдари олмаси», «Богболалик Кўкалдош»га тенг эмас. Бириси талабалик йиллари хотирига бағишланади. Турли соҳада ўқиётган хамхона йигитлар характерларининг ўзига хосликлари етарли тиниклик топмаган. Ўғирликка муносабатда ҳам бунга тўлик эришилмайди. Ечимда муҳим ўрин тутувчи «Мардикор» («ўғри») бола персонажи мавҳумрок чиққан. «Жиян» хикоясида аспирант Бўроновнинг ташвиш, кечинмалари хаётий эпизодларда очилади-ю, «хотима» таъсирчанлиги бўшашади. Натижада тушуниш жараёни жўнлашади.

Хикоянавис бизни ҳар сафар соддадил одамлар, оддийгина воқеалар ичига бошлайди. Ҳар гал хикоя бағридаги хаётда умримизга дахлдор кўп ришталарни кўрамай. Холат-ҳаракатларни биладигандек, образлар хиёл танишдек, хиёл ўзимиздек туюлади. Дейлик, хавойи ниятлар билан (тўсатдан ўзбек юрти тарихидан илмий иш қилгиси келиб қолиб) «Қайдасан, Ленинград?» деб йўлга чиққан тоға-жиянлар хангомаси ҳам, одамгарчилик юзасидан ўз уй навбатини Ҳамидуллага бериб, «уй муборак» маросимида атайин чақиришмаётганини эшитиб қолган Ўрмоновнинг ахволи ҳам («Совук») кўнглимизга кўчади. Берилиб интихони кутамиз. Яқун хаяжонли кечади. Рухимизга безовталик олиб қиради.

Ҳам гоёвий, ҳам нафис хусусиятларнинг бетакрор жозибаси, санъаткорона мужассамигина асл муддаога элтади. Айниқса, яшаш тарзи, мафкураси ўзгараётган замон кишининг суратини чизишга зийраклик, холислик зарур. Чунки кайфиятлар, босиб ўтилган йўлга муносабатлар янгиланаётир. Хатто хаволанган, фуқародан узилган

тоифа хам ташвишга тушди, меҳнат ахлининг холи-рухиясидан хабардор бўлмокни ихтиёр этган халифа Хорун ар-Рашидни эслаб колди. Оммага якин бўлиш, калбига йўл тошиш учун дехкондай калин пахталик, кирза этик, телпак кийиб кўрди. «Албатта, бу кийимлар ифлос, кир, тер хиди ўрнаб колган... аммо, начора, кийишга мажбур». Лекин гап кийинишда, фирка кўмитаси котибининг такси хайдовчиси билан мулокотию можаросида эмас. Бир карашда майда гап, икир-чикир, эзмаликка ўхшайди бу хангома. Партиянинг обрўсини бир кўтариб бериб, Биринчининг олдида юзи ёруг бўлишини хохлаган Мелибой Бўриевнинг исми, уни овлоқда дўппослаб колдириб кетган шофёрнинг хакоратлари, мумкин, хаёлдан тез кўтарилар. Шукур Холмирзаев саргузашт ваъда килмайди, ҳеч бир какрамонига ён босмайди, сир бой бермайди. «Майда гап»дан сўнг, хўш, нима бўпти, деб кўя колмайсиз, меҳнат ва дунёкарашнинг сифати билан белгиланувчи азалий тафовутларнинг бутунги шамойилини, ўйинларини кузатиб, жумбокка жавоб топгандек бўласиз. Мантикни унутмайсиз, хулосага бериласиз.

«Хорун ар-Рашид» хикоясидаги бу мансабдор ёзувчининг «Кадимда бўлган экан...» хикояси кахрамони Ўсарга дуч келганида баттар таъзирини ер эди. Ўсар—эртадан кечгача ишлаб бири икки бўлмаган одам. Хотинини хануз даволатолмайди. Вақтида Кенжа ўқисин, одам бўлсин деган максадда ўзини меҳнатга багишлаган. Шалогичиккан машина учун завгар ундан уч юз сўм ундирган, камини энди олади. Хаёли бироз кирди-чикди бўлиб колган момосини одамларга кўрсатишдан ор килиб, кампир яшайдиган уйча пешайвонини аллақачон шолча билан ёпиб кўйган хотини бир кун Ўсарбой кайф билан келганда кариялар уйдан гап очиб қолади. Эртасига бўладигани бўлади.

Хотин бир пушаймон килсин, кампирнинг бир кадри ўтсин, деб Ўсар момосини узок тут остида колдириб, радиатор суви бахонасида уйга кайтади. Изидан йўловчи машинага тушиб йўлга чиккан Хожар билан бирга кўш тут ёнидан кампирни топишолмайди. Ўсарнинг кўполлиги, тажанглиги аламзадалиги замирида жўшқин гурур, мухаббат ва самимият хислари мавжуд. Зеро, инсондаги мураккаб маънавий киёфа хамиша зиддиятлари билан табиий. Хислатларнинг бардоши ва кўринишлари инсонда нечоғли хилма-хил! Ўсар, Хожар, Максад момо, қолаверса, хикоя охирида кампирни олиб кетиб, куйидагича хат колдирган бегона эр-хотинлар бунга мисол:

«Шу тут остида бир кампир ўтирган экан. Ўсар деган (ўсмайлар кетсин!) невараси ташлаб кетган экан... Биз эрим билан овулга олиб кетдик. Бугундан бошлаб кампир бизнинг момомиз бўлди. Ўткинчилар».

«Аликнинг кайфи бузилгани йўк» хикоясида Асқад Мухтор хозиргача кайта-кайта мурожаат килгани — замон ёшлари хулк-атвори ва оқибатига яна бир назар ташлайди. «Дом»нинг чирогини атай ўчириб, лифтчининг кўлбола хоначасида билганини килувчи Алик («Алишерми, Алижонми, ишкилиб Алик») билан Рануш (Раъно) гира-ширада тимирскиланиб юрган почтачини тезроқ кетказиш учун афгондаги ўғлига ўн йилдирки интизор кўшни кампирга келган мактубни олиб қолади. Эртасига қоронгу бўлгани сабаб уйда дори кидириб йикилган Жамол кампирни «тез ёрдам» олиб кетади. Унга етиб келмаган мактубда ўғли тириклиги, оналик ихтиёри маълум килиниши биланок асирликдан бўшатилажаги айтилган ва фарзандидан хат хам бор эди. Хикоянинг номи ва хотимаси жўнгина, беҳатар: «Адикнинг кайфи бузилгани йўк». Бирок асар мазмуни сергаклантиради. Охирида тахликали оғохга айланади. Ўқувчига Жамол

кампир ва ўглининг кисматидан кўра, Аликнинг бепарволиги, ўзини жуда кизик воқеанинг гувоҳидек хис этиши таъсир килади.

Абулкосим Мамарасуловнинг «Учинчи йўл» номли хикоясида хол-ахвол, саъй-харакат, фикр, кечинма тасвири ягона гоёга бўйсундирилган. Ўзбек оиласи тирикчилигидаги машаккатлар баёни хикоя охангининг арзи холига мойил бўлишини тайин этган. Нохаклик гурзиси бошига тушиб, халоватдан айрилган, оиласи чилпарчин бўлган, одамлар орасида беобрў килинганлар оз эмас. Ўн бир болани бокиш кун сайин мушкуллашса, янги машина учун икки минг сўм пора берилса, раиснинг устидан ростини ёзса-ю, соткин тафтишчилар арзчини итдан баттар килиб хайдаса, тухматчига чиқарса... Бу кечмиш йўл-йўлакай, гўёки хафсаласиз эсланса-да, Тожибойнинг раисга бежиз пичок урмаганига ишонч пайдо бўлади. Икки ой касалхонада ётиб тuzалган порахўрнинг «олижаноблик билан» даъвом йўк дея судга келмаслиги, лекин зимдан килигини килиши, терговчининг махбусни бемалол «чиниктириши», умуман, бу каби иллатлар жамиятимизда мавжуд ва айни хикоя учун мувофик танланган. Шу боисдан ҳам хикоядаги бошка персонажлар, хусусан, камокдагилар — Коплон ва Ирисмат эътиборни тўртади. Иккаласи Тожибойнинг тарихини эшитиб, унинг фахми етмаган ишлар тагидаги бор гапни «ойнада кўриб тургандай» тўғри шархлашади. Хидир раис камокда юрган Тожибойнинг оиласига ҳам тинчлик бермаётганидан, хатто шўрликнинг кенжатои умрига зомин бўлганидан газабланган Коплон Тожибойни энди котилликка даъват этади, камокдан чиқиб келиш ташкил килади.

«Ёшлик»да эълон килинган озар адиби Огамали Содикнинг «Бошсиз» хикояси қахрамони носоглом мухитнинг гирдобиди азобланади. Усмон пора беролмайди. Лекин... «Шоирни дунёнинг бутун ноз-неъматларидан махрум этган Тангри... унга ҳеч нарса бермаса ҳам, ҳамма учун йиглаш бахтини берган». Бундай муқаддас иноятни у ҳеч нарсага алмашмайди. Кутирган мухит баттар сиқувга олади. Уни тубан, галамис кимсага айлантиришга каттик жазм этади. Алкисса, Усмон порани (биллур кулдонни) стол устига қўяди. Бир сония барча кийинчилиги барҳам топган, аммо одам деган номни олиб юрмоққа ҳаққи колмагандай туюлади. Совгасини рад этган риёкор ганимни бўғиб ўлдирди.

Синчиклаб кузатилса, қар икки хикояда ўхшашлик кўриниб туради. Бу фақат уларда юз берган ходисалар илдизининг теран бадиий ечимидagina эмас, балки ички услубий аломатларда, натижаларда ҳам аён бўлади. Шаклий-мантикий уйғунликни ҳамда таъсирчан яхлит бадиий тасвири вужудга келтириш, уларга «ўз рухининг такрорланмас, оригинал мухрини тушириб ўта олиш» (Белинский) борасидаги изланишда ҳамоханглик сезилиб туради. Огамали Содик дилбар инсонни котилга ийлантириб, оёк ости килиб, «сохта ва заиф мухокамаларнинг икунидан» бошка нарса бўлмаган қонунга биноан уни ўлимга йўллаган шарт-шароит устидан ўз ҳукмини чиқаради. Муаллиф қахрамоннинг адолат ва софликка нисбатан эътиқодига, шунинг оқибати бўлмай мий омадсизлигига эътиборни қаратади. Буни губор кўнган мусаффо қалбнинг бўзловчи, хибсдаги олижаноб рухиятнинг дахшатли жунбуши ичида туриб кузатади. Образни сохта ҳаракат ва нотабиий қилиқдан асрайди, улугвор гоё деб, унга ортикча жабр, талофат, зарбалар юклашдан сакланади. Абулкосим Мамарасулов хикоясининг мазмуни улгайтирувчи туб фикр—учинчи йўлдир. Ҳаётий, фалсафий, таъсирчан бадиий топилма. Учинчи йўл бу—сўнги исён, сўнги чора. Нафсиламарини айтганда, учинчи йўл

фожиасини сўз билан таърифлаш кийин, Сарлавханинг ўзигина—«Учинчи йўл»гина хали ҳеч нарсани билдирмайди. Бирок бу хулоса чикармоқка асос бўлади: адашиб раиснинг етмишлардаги отасини пичоклаган, камокхонага элтгувчи такси атрофида милиционерларни кўрган «Тожибой беихтиёр кўйнига кўл югуртириб, иккинчи пичогининг дастасини маҳкам тутди ва йўлини ўзгартирди: кишлокка ҳам эмас, таксига ҳам эмас, балки, учинчи — номаълум тарафга жўнади». Учинчи йўлнинг кўккис пайдо бўлиши ажабланарли туюлмайди. Негаки бутун воқеаларнинг учинчи йўлга «хизмат килгани», сюжет ривожининг танҳо тақозоси шу —учинчи йўл экани яққол аён бўлади.

Шунга карамай, хикояда бош қахрамонга «юклатилган» талофат, омадсизлик бироз кўпроқ ва баъзан сунъийроқ туюлади.

Ўткир Хошимовнинг «Ўзбек иши» хикоясини ўқиган пайтдаёқ мавзу, муддаоларни фаҳмлаймиз, воқеаларнинг иштирокчиларини кўз олдимизга келтирамиз, танигандай бўламиз: кўшиб ёздирганлар, сийму зар орттирганлар, каллоб йўлбошчилар, риёкор йўрикчилар...

Буларнинг барини хикояни ўқиш жараёнида, яъни марказдан келган терговчи Василий Степанович Корягин ёнида юриб-ўтириб кузатасиз. Чунки у—«Ўзбек иши» хикоясининг бош қахрамони, ҳаётда шундай иборани кашф этиб, оламга ёйганларнинг вакили. Ўзлгимизга Корягин нигоҳи орқали караш бир томондан бардошларни «синайди», миллий гурурни топтагувчиларга нисбатан сергак бир муносабатни шакллантиради. Терговчи тўрт ойдан буён Жумановнинг айбини бўйнига кўя олмайди. Гурппа бошлиги Амбарцумян эса: «Бошқалар обком секретарларини ёнгоқдек чакиб ташлади. Сиз бўлсангиз, аллакандай совхоз директорини эплай олмайсиз», — деб ундан норози бўлади. Унингча, кўлни кўксига кўймоқ— «куллик психологияси», серфарзандлик — «каламушга ўхшаб болалаш», теримчилар — пахтани саватга тераётган хабаш кулларнинг ўзгинаси. Корягин «худо қаргаган жойнинг бутифоси иссигида бўгилар экан, ўз ўрмонлари, оромгохлари, «кристалдек бегубор» хавосини кўмсайди, Жумановнинг жигари ишдан чиққан кизини кўргач, соғлом ва дуркун кизига юраги орзикади. Бевакт қариган, «Отасиз бола керакмас, уларга ва ўзимга ўт кўяман», деб додлаган Жумановнинг аёли («ёввойн»)га ажойиб хотинини (гарчи билмасдан унга бир бор хиёнат қилган эса-да) беихтиёр киёслайди. Жумановга захрини сочади: «Харомхўр! Хамманг ўгрисан! Хамманг порахўр!»

Асар хужжатли хикоядек ўқилади. Мухитнинг драматизми кескин, таъсирчан тайёр-сюжет, бадиий тўкимага ҳожат қолдирмаган. Корягин мушоҳадасида, тухматга учраганларнинг қайфияти, азму иродасида, жигархун совхоз директорининг ўз жонига қасд қилишида жиддий фош этувчи, киноя-кесатикли, хушёрликка чакирувчи нақл амал қилади.

Бир эмас, юз йилча вақт давомида бизнинг бадиий ижодиёт ўзга миллатларнинг, хусусан, рус халқи вакилларининг образларини 5фатишга фақат бир томонлама ёндашиб келди, маҳдуд сиёсий, мафкуравий талабларнинг, нагмаларнинг, баландпарвоз гаплар, интернационал шиорларнинг қуршовида яшади. Кўплаб асарларда ижодкорлар турмуш ва маънавиятнинг ана шу жихатини нотўғри талқин қилдилар. Халқлар дўстлиги

борасида кўпинча мавжуд хакикатни юзаки тасвирлаб, иктидорларига, виждонларига зид иш тутдилар. Аксарият асарларда рус кишилари образлари ўта бенуксон, ўта тадбиркор, тенгсиз рахнамо, факат ижобий этиб тасвирланди. Мен миллий кахрамонларни ҳам, бошка миллат-элат кишилари характерларини ва кон-кардошлик туйгусини ҳам бутун мураккаблиги, давр хакикатига мувофик гавдалантирилиши тарафдориман. Зеро, факат ок ва кора буёкларгагина ружу кўйганда адабиёт ижтимоий онгдан оркада колади, адабиётнинг мукаддас кадри, жозибаси тўғрисидаги тасаввурларни хираланггиради.

«Ўзбек иши»даги Корягин образи маълум маънода журъатнинг махсулидир. Унинг жонли чизилган киёфасида «пахта иши»ни текширган махсус группанинг мушфик, хоксор, соддадил халкимизга етказган озори, зиён-захмати мужассамини топган. Тобора ўтмишга айланаётган ўша воқеаларнинг «ижодкорлари»га доир тасаввур гарчи хикояда кемтик акс эттирилган бўлса-да, Рубэн Арамисович Амбарцумян позицияси тасаввурни тўлдирди. У Жумановнинг ўз жонига касд қилганини яширади, Корягинни тергов пайтида конун бўйича иш тутган хисоблайди, хужжатларни ўзлари хохлагандай расмийлаштиради. Энди Ўзбекистонга боришдан бўйин товлайётган Корягинни юпатиб, ишларни эртагаёқ давом эттиришни буюради. Хикоя давомида Корягиннинг характерида холислик, изтироб ёки эътирофнинг сезилмагани учунми, хар калай, асар якунида унинг ўзгариб, окибатни англай бошлаганига ишонмадим. Бу менга характер ривожига сохтарок хол бўлиб туюлди. Шунингдек, хикоядаги Бердиев образи ҳам тугал очилмаган кўринади.

Неъмат Арслоннинг «Аравакаш», Жамила Эргашеванинг «Узилган ришта», Равшан Кодировнинг «Балик одам», Ёкутхоннинг «Ок булутга ўралган гунох» хикояларида ҳам ибратли фикрлар айтилган, кизгин таассурот уйғотадиган манзаралар чизилган, бироқ бу асарларда маромига етмаган жихатлар анчагина. Хусусан, кахрамонлар харакати, рухияти талкинининг меъёрига етмагани («Аравакаш»), тафсилотларининг сунъийлиги («Узилган ришта»), муаллифлар муддаосининг мавхумрок чиккани («Балик одам», «Ок булутга ўралган гунох») бу хикоялардаги бадий етишмовчиликлардир.

Хуллас, кўпгина хикоялар хаёт фожиаларини баралла ёритиш, дардли масалаларни дадил кўйиш рухида ёзилган. Уларда янги бадий тафасур равшан кўзга ташланади.

Тохир Шермуродов

«Ўзбекистон адабиёт ва санъати» газетаси, 1991 йил 5 апрель.